*Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида, Конституцион кафолатларни таъминловчи, жамиятимиз учун жуда зарур, муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси қабул қилинди.*

*Қонун ва шарҳ*

# ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР ТАЪМИНОТИ

Мазкур Кодекс ҳажм жиҳатидан катта, кенг, аниқ, равон. Оммага тушунарли қилиб тайёрланган. Юзага келган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишга қодир қонундир. У ҳақда фикр билдирар эканмиз, умумий қисмнинг биринчи бобиданоқ меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар, уларнинг вазифалари, амал қилиш доираси ҳақида тушунча берилганининг ўзиёқ унинг мукаммаллигидан далолатдир.

Кодекснинг 6-моддасига мувофиқ барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир.

Янги Кодексга мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилинади. Шундай асосларда болаларнинг соғлигига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларда бажариш учун ўн тўрт ёшга тўлган ўқувчиларни қабул қилишга ҳам йўл қўйилади. Меҳнат шартномаси дастлабки синов шарти билан тузилиши ҳам мумкин, унинг турлари 84-моддада тўлиқ акс эттирилган. Кодексга кўра дастлабки синов муддати уч ойдан ошмаслиги лозим.

Иш соати қандай бўлиши керак? Кўпчиликни қизиқтирадиган бу саволга муваффассалроқ ёндашилган. Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар шулар жумласидандир.

Юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. (119-модда) Байрам (ишламайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Энди дам олиш ҳақидаги ғамхўрлик ҳам кодексда мукаммаллашганлиги устида тўхталсак. Ходимга иш куни давомида дам олиш ва овқатланиш учун иш вақтига киритилмайдиган танаффус берилиши керак. Барча ходимларга беш кунлик иш ҳафтасида икки кун, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади. Дам олиш кунлари ишлатиш тақиқланади. Алоҳида ҳоллардагина иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, дам олиш куни ишга жалб қилишга йўл қўйилади. Дам олиш кунларида бажарилган иш учун икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Қонун талабига кўра, (134-модда) ходимга ўн беш кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади, (135-модда) Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ўттиз календарь кун, айрим тоифадаги ходимларга (қонунда кўрсатилган ҳолларда) узайтирилган таътиллар белгиланади (150-модда). Ходимни аризасига мувофиқ, унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Иш ҳақи сақланмаган таътил, уруш қатнашчиларига, I ва II гуруҳ ногиронларига, икки ёшдан уч ёшгача бўлган, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йил ўн тўрт календарь кунга қадар берилади. Яна шуни қайд қилиш лозим (151-модда). Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг энг оз муддатидан .ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин:

Меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгиловчи 9-бобда, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ, қонунда кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги кафолатланган (154-модда), иш ҳақининг миқдори қонун билан белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас (155-модда), Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўланади.

Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўлланиши билан қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллаш мумкин. Яъни ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Меҳнат шартномасини бекор қилиш (181-модда). Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимининг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (183-модда). Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят килиниши мумкин (184-модда).

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлигини белгиловчи ўн иккинчи бобда, умумий қоидалар билан бирга ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги масалалари кенг ёритилган. Жумладан, ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида, ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар ҳам Кодексда ёритилган. Диққатга сазовор талаблар шуки, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш (224-модда), меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларда аёллар меҳнатини қўллаш (225-модда), ҳомиладор аёлларни, ёш болали аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларда, дам олиш кунлари ишларга жалб қилиш, хизмат сафарига юбориш (228-модда) тақиқланади. Кодексда аёлларга қўшимча дам олиш йиллик таътиллар бериш ва ҳомиладорлик ҳамда туғиш таътилларидаги имтиёзлар ҳам ёритилган.

Кодекснинг 268-моддасига мувофиқ, ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи; меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори; иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек, унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича прокурор; меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади: (269-модда) Агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса; улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса; улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса; улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса; уларни ишга қабул қилиш ғайриқонуний рад этилган бўлса; улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди. Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади: (270-модда). Ишга тиклаш низолари бўйича

— ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусҳаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

— бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой белгиланган. Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин. Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Мазкур Меҳнат Кодекси 1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади. Шу кундан бошлаб юзага келган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади. Бу қонун мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини қуришдаги яна бир қадамдир.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди.**



**Шаҳрисабзлик тўқувчи Ҳ. Салимова: «Ниятим юртимизнинг ҳар бир хонадонига гўзаллик бахш этиш».**

**Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.**

*Тадбиркорлик*

## ПАРКЕНТ ЧЕВАРЛАРИ

***ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Паркентда давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизлар иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.***

Шаҳар хотин-қизлар кенгаши йиллик ҳисобот йиғилишида ана шу мавзуда гап борди. Ютуқ, камчиликлар таҳлил қилинди. Тадбирлар белгиланди. Айниқса, маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида ислоҳот талабларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида тушунтириш ишлари олиб борилаётганига эътибор қаратилди. Бундай тадбир ўз самарасини бермоқда. Чунончи, 13-маҳаллада яшовчи Алфия Файзиева билан Дилбар Юсуповалар ўз уйларида тўқувчилик ва тикувчилик курслари очиб, чеварларни жалб этмоқдалар.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

*Маънавият олами*

## ЁРДАМГА ОШИҚАДИ

Эдуард Манасипов биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлганди. Унинг оиласида ишга масъуллик, болалар ва фуқароларга нисбатан меҳрибонлик бошқача. Бунга у киши онасининг узоқ йиллар давомида боғча мудираси бўлиб ишлагани сабаб бўлса керак, деб ўйлайди.

Эдуард Аббосович ишбилармон. Ҳозир у маҳаллий фонд, бюджет ва давлат муассасаларининг сантехникаси, иситгичларнинг таъмири билан шуғулланадиган «Даврон» кичик корхонасига раҳбарлик қилмоқда. Шу билан бир қаторда жамоат ишларида қатнашади. Юнусобод туман партия ташкилотининг тафтиш комиссияси раиси ҳамдир. Партия бюджетини мустаҳкамлашда ўз тажрибаси ва маслаҳати билан туман кенгашига яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни кўпинча туман партия кенгаши биринчи котиби М. Усмоновнинг хонасида учратиш мумкин. Энг муҳими, у доимо ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам беришга ошиқади.

Тумандаги болалар уйи маъмурияти катта миқдорда болалар кийими ва юмшоқ жиҳозлар олиб берилганлигини фахр билан эслайди. 50 дан ортиқ кам таъминланган партия аъзоларига моддий ёрдам, байрамларда фаолларга қимматбаҳо совғалар улашиш унинг кундалик ишига айланган. Кўп болали оилалар ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Бу рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин...

У ҳамиша эл назарида. У кишининг издошлари Юнусободда кўпаймоқда.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Қадриятларимиз*

## АЛЛОМАНИ ЁД ЭТИБ

***БУХОРО (мухбиримиздан). Миллий қадриятларимиз ривожига катта ҳисса қўшган аллома Хожи Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий таваллудининг 875 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда.***

**Вилоят ҳокими фуқаро ва уламолар, айниқса Шофиркон тумани ҳокимлигининг таклифларини инобатга олиб, аллома юбилейни шу йилнинг октябрь ойида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор асосида ҳозир Шофиркондаги Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий зиёратгоҳи таъмирланмоқда. Кутубхоналарда, музейларда юбилейга атаб китоб кўргазмалари ташкил этилмоқда.**

**Даврон БАҲРОНОВ.**

*Савобли ишлар*

## ДЕПУТАТ СТИПЕНДИЯСИ

***АНДИЖОН (мухбиримиздан). Саховатпеша кишилар бор бўлсин. Улар қадриятларимизни тиклаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва маънавиятимиз ривожи учун камарбаста бўлиб туришибди.***

**ЎзХДП Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати М. Отабоев хайрли ишга қўл уриб, депутатлик маошидан А. Йўлдошев номли 31-мактабнинг юқори синфларида намунали хулқ ва аъло баҳоларга ўқиётган олти нафар ўқувчига стипендия ажратди. Партия фаолининг ёшларимиз баркамоллиги йўлида қилган савобли ишидан кўпчилик мамнун.**

**Аҳмадилло СОЛИЕВ.**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## «МАКТАБДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?»

***Газетанинг шу йил 9 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада халқ таълими соҳасида Касби туманида юз бераётган нуқсонлар ҳақида сўз юритилганди. Мақола юзасидан Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Мусурмоновдан жавоб хати олинди. Унда хусусан шундай дейилган:***

— Вилоят халқ таълими бошқармаси мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Касби туманидаги С. Раҳимов номли мактабнинг янги биноси қурилиши 1987 йили бошланган. Аммо хўжалик маблағи йўқлиги сабабли ҳозирча тўхтатиб қўйилган. Унинг мослаштирилган 2 та биносида таълим-тарбия ишлари икки навбатда давом эттириляпти.

Мактабда иккита директор алмаштирилди. Улардан бири ўз аризасига кўра, ишдан бўшаган, иккинчиси эса мактабда ички назоратни бўшаштириб юборганлиги, молиявий хатоликларга йўл қўйганлиги учун вазифасидан озод этилган.

Тумандаги Усмон Носир номли мактаб сингари 12 та мактаб шийпон туридаги биноларда жойлашган. Уларнинг барчасида қурилишлар бошланган. Аммо иқтисодий тақчиллик туфайли ишлар ниҳоясига етказилмаган.

Туманнинг Йўлдош Охунбобоев номли мактабида қурилиш ишлари давом эттирилаяпти. Т. Мирзаёров, У. Юсупов номли мактабларда иситиш ишлари тўла йўлга қўйилди. Мазкур мактаб ўқувчиларининг 1995 йилги терилган пахта пулларини олиб бериш масаласи хўжалик хазинасига пул тушгандан сўнг ҳал этилади. Педагог ходимларни суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш ишларини туман ҳокимлиги ўз назоратига олган.

Вилоят миқёсида 1400 дан ортиқ, Касби туманида эса 72 нафар ўқитувчи етишмайди. Бу аҳволни яхшилаш учун Қарши давлат университети, 2 та педагогика билим юрти ва республика педагогика олий ўқув юрти билан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят мактаб кутубхоналарини 1995 йилда бадиий китоблар билан таъминлаш учун 76800 сўм ажратилган эди. Бироқ йил давомида бу 57100 сўмга бажарилди. 1996 йилда бадиий китоблар билан таъминлаш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси Касби туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда туман мактабларидаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

*Тарих ва истиқлол*

# 1916 ЙИЛ... ЖИЗЗАХ СИРЛАРИ

Ўзининг ҳақиқий ўтмишини билмаган халқнинг келажаги йўқ, деб бежиз айтишмаган. Қарангки, мустамлакачилик сиёсатини назария ва амалиётда қўллаб келган босқинчилар ҳамиша биринчи галда ўз зуғуми остидаги эл-улуснинг ўтмиши тарихини йўқ қилиш, минг-минг йиллик дуру жавоҳирга тўла хотира хазинасини маҳв этиш учун курашганлар.

Аммо, халқ ўлмас экан. Оққан дарё оқаверади, дейдилар. 1916 йилги Жиззах қўзғолони халқ миллий-озодлик ҳаракатининг муҳим халқаларидан бири. Бироқ бу буюк халқ курашини қора рангларда кўрсатишга, унинг туб моҳиятини бузиб талқин қилишга жон-жаҳдлари билан уриниб келдилар. Уни гоҳ «ғазовот» дедилар, гоҳ бошқача тўн кийгиздилар. Лекин туб моҳиятини очиб беришдан қўрқдилар. Негаки, бу кураш «Жиззах қўзғолони» дейилса-да, аслида мустақиллик, эрк учун бошланган чинакам миллий-озодлик ҳаракати эди.

Бугун ўтмишга баҳо беришда кечаги куннинг эмас, балки бугунги истиқлолнинг тоза нигоҳи билан ёндашишимиз керак. Шу ўринда Президентимизнинг «Биз ўтмишимизнинг ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил қилишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз, босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин, «оқ доғ»ларни бутунлай тугатиш тарафдоримиз. Аммо, албатта, ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиздаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида кечирилмас хато бўлар эди», деган сўзлари кўнглимизга таскин беради.

Маълумки, биринчи жаҳон уруши 1914 йилда бошланди. Бу уруш Россия ва унинг мустамлака ўлкалари ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу йилларда халқни эзиш янада кучайди. Очарчилик бошланди. Жиззах уездининг Ғаллаорол, Зомин, Фориш, Бахмал туманларида озиқ-овқат етиштириш камайди. Бозорларда нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Саноат молларининг нархи беш баробардан ўн баробарга ошди. «Ферганская жизнь» газетасининг 1916 йил 1 март сонида босилган мақолада «чайқовчиларнинг таъмагирлиги шу қадар ошиб кетдики, агар бунга қарши курашилмаса, нарх-наво янада кўтарилиши ва бундан ҳам кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин», деб ёзилган эди. Халқ оммасининг бу ҳолга нисбатан ғазаби ошди.

Ўша пайтда чор ҳукумати бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийин миқдорида қўшимча солиқ белгилади. Бу ҳол деҳқонлар бошиға кўп кулфатлар солди. Расмий солиқдан ташқари уруш эҳтиёжи учун аҳолидан ҳар хил йиғимлар тўплана бошланди. Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткиннинг маърузасида кўрсатилишича, Туркистон ўлкасидан уруш эҳтиёжи учун 1914-1916 йилларда 70 минг от, 13441 та ўтов, 30 минг метр намат, 300 минг тонна гўшт, 3 миллион пуд пахта мойи, 12 минг бош туя ва бошқалар мусодара қилинган. Натижада Жиззах уезди қишлоқларида солиқ тўлашдан бош тортиш авж олди. Камбағаллар оқ калтак, қора калтак бўлиб, волость ҳокимларига, бойларга қарши бош кўтармоқда эди. Жиззах пахта тозалаш заводида майда темирчилик ва ҳунармандчилик устахоналари ишчилари иш ҳақини оширишни талаб қилдилар. Азоб-уқубат, кулфатлар устига Туркистон халқларини мажбурий ҳарбий хизматга сафарбар қилиш бошланди. Бу тадбир халқнинг сабр косасини батамом тўлдириб юборди.

Подшонинг фармонига кўра, Жиззах вилоятидан 10531 киши сафарбар қилиниши лозим эди. Мардикорликка олиш айни йиғим-терим даврига тўғри келди. Фронт орқасидаги ишларга Жиззах шаҳридан 655 киши, Зомин волости бўйича 731 киши, Сангзор волостидан 2891 киши, Сентоб волости бўйича 508 киши, Боғдон волости бўйича 23114 киши юборилиши керак эди.

Жиззах уезди ҳокими полковник Рукин 4 июль куни шаҳар аҳолисини Эски шаҳардаги катта масжидга йиғди. Унга шаҳарнинг барча оқсоқоллари, мингбоши, элликбоши ва бойлари келишди. Рукин уларга подшо фармони қандай бажарилаётгани ҳақида гапириб, деди — «Ғалаён кўтариш эҳтимоли бор, агар ҳукуматга қаршилик кўрсатилса, молу мулк ҳамда ўзларингизни ер билан яксон қиламан», деб дўқ урди.

Унинг бу дағдағасидан хабардор бўлган шаҳарнинг кўзга кўринган оқсоқоллари Муҳаммадраҳим Абдираҳимов ва Зиёқори Абдуллаевлар Назирхўжанинг уйида суҳбат қуриб, оқ подшонинг мардикор олиш фармонига қарши курашда Боғдон, Зомин, Янгиқўрғон ҳамда Сангзор волостида истиқомат қилаётган камбағалларни бирлаштириб, чор ҳукумати ва маҳаллий маъмурлар зулмига қарши қўзғолон кўтаришга аҳд қилдилар. Ўша куни тундаёқ шаҳарнинг барча маҳаллаларига мардикорликка олишга қарши курашга чорлаш учун вакиллар юборилди. Бу қасоскорлар ичида ўша замоннинг оловқалб ёшлари — Орифжон Олимжонов, Муҳаммаджон Файзуллин, Ҳайдарбек Абдужабборов, Мамажон Комилов, Шоди Бобоев, Мамашариф Ҳусаинов, Шоди Аширматов, Мавлон Кенжаев, Қодир Ҳакимов, Эшонқул Ҳошимов, Қорабой Қобилов ва бошқалар бор эди.

1916 йил 13 июль куни Жиззах шаҳрининг қовун бозорида оломон уезд оқсоқоли Мирзаёр Худоёрхоновни уриб ўлдиради. Эски шаҳардаги қўзғолон шу тариқа бошланганди. Мирзаёр ўлдирилгандан кейин қўзғолончилар Янги шаҳарга йўл оладилар. Улар шаҳар ҳокими Рукинни, штабс-капитан Зотоголовни, аскар Гриценко, миршаб Жумабоев, тилмоч Мирзаҳамдам Зокиржоновларни ҳам қийнаб ўлдирадилар. Орадан сал ўтмай бутун Жиззах атрофидаги қишлоқлар аҳолиси қўзғолди. Жазо отрядининг бошлиғи Афанасьев командасига қарши курашда 11 киши ҳалок бўлади. Чекка қишлоқлардан келган қўзғолончилар билан чор аскарлари саккиз кун жанг олиб боришади. Аланга олиб кетган Жиззах қўзғолонини бостириш учун Тошкент шаҳридан полковник Владислав бошлиқ бир рота сапёрлар взводи, 4 тўпли батареядан иборат аскарлар жўнатилади. 13-14 июль кунлари Самарқанд шаҳридан бир ротадан иборат махсус жазо отряди, 90 кишилик махсус офицерлар ротаси, Оренбург шаҳридан қонхўрликда машҳур бўлган казаклардан иборат юз кишилик жазо отряди ҳам етиб келади. Жиззахда кўтарилган қўзғолонни бостиришга бу ҳам камлик қилгач, 16 июль куни поездда шошилинч равишда полковник Иванов командирлигида 12 рота, 6 та тўп, 3 та казак отряди, махсус сапёрлар ротасидан иборат жазо отряди юборилади.

17 июлда жазо отрядининг командири полковник Иванов бутун Жиззах уезди қўзғолончиларига қарши аёвсиз уруш эълон қилди. 18 июль куни Эски шаҳар бутунлай қўлга олинди. Босқинчилар қўзғолонни шафқатсизларча бостиришди. Эски шаҳарга ўт қўйилди. Жазо отряди қишлоқлардаги одамларни ҳам қирғин қилди. Жиззах шаҳрида, Равот, Қоратош, Сангзор, Саврук, Боғдон, Фориш, Янгиариқ, Синтоб, Ём, Ўсмат, Қоратол, Чашмаоб, Отақўрғон, Қизилқум, Чордара, Кўктепа, Каттақўрғон қишлоқларида юзлаб кишиларни дорга осдилар.

Шунга қарамай қўзғолон давом этаверди. Жиззахликларга Зомин, Янгиқўрғон, Сангзор, Боғдон волостларидан қуролли ёрдамчи кучлар келиб қўшилди. 21 июлда Қили ёнида Боғдондан етиб келган қўзғолончилар билан жиззахликлар бирлашиб, босқинчиларга қарши жанг қилдилар. Аммо душман исёнчиларни бир-бирлдан ажратиб ташлашга муваффақ бўлди. Қили ёнидаги жанг босқинчиларга қарши сўнгги жанг бўлди. Ўзбек халқининг эрки ва мустақиллиги учун курашга бош-қош бўлган Назирхўжа ва Абдураҳмон бошлиқ қасоскорлар рус қўшинлари зарбасига дош беролмай, охири таслим бўлдилар...

Юртимизда озодликнинг ҳур шамоллари эсаётган ушбу дамларда бундан 80 йил олдин эркин яшашни орзу қилган ва шу йўлда жонини қурбон этган жасур ўзбек ўғлонлари ҳақида ўйлаймиз. Уларнинг қаҳрамонликка тўла умр йўлларига назар ташлаб, мулоҳаза юритамиз. Шу ўринда эрк йўлида шаҳид кетган юртдошларимизнинг хотираси олдида қарздорлигимиз ҳисси янада ортаётганини назарда тутиб ўз таклифларимни билдирмоқчиман.

1916 йилги Жиззах қўзғолони тарихини ўрганиш бўйича етакчи олимлар иштирокида илмий-назарий анжуман ўтказиш ва бу ҳаракатнинг фаол қатнашчилари хотирасини абадийлаштириш мақсадида Жиззахдаги Ўрдада уларнинг сиймолари акс эттирилган мармар ёдгорликни бунёд этиш ҳамда музей ташкил қилиш масаласини ўйлаб кўриш керак.

**Ҳайитбой ҲАЙДАРОВ,**
**Жиззах Давлат педагогика институти профессори.**

